

**“СИРОЖУЛ МУСЛИМИН” ВА “НАЗМИ АҚОИД” АСАРЛАРИНИНГ
МАЗМУНИЙ ҚИЁСИ**

Мусабоев Комрон

ТДШУ 2-курс магистранти

Алишер Навоийнинг асосий диний асари деб билинган “Сирожу-л-муслимин” асари соф диний йўналишда ёзилган бўлиб, ислом дини аҳкомларини, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ислом шариатининг фикҳ илмининг бир қисмини ёритишга бағишланган. Асар маснавий шаклида ёзилган бўлиб, ҳажман 197 байтдан иборат. “Сирожу-л-муслимин” ҳамд ва наът, китоб ёзилишининг сабаби, исломга оид фикҳий ва ақидавий масалалар шарҳи ва хотимани ўз ичига олади.

Алишер Навоий асарни, аввало, Аллоҳга ҳамд ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салот ва саломларини йўллаш билан бошлайди. Кейин мазкур китоб назмининг сабаби баёнига ўтади. Навоий султон Ҳусайн Бойқарога чексиз ҳурматини изҳор этиб, бир воқеани баён қилади.

Биров бир кун деди айлаб нишоте Ким, ул қилмиш бино олий работе.

Мусофирға ҳар уй бир турфа манзил Ки, ҳам орому ҳам ком анда ҳосил.

Эшиттим базмининг бир нуктадони, Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни.

Демиш: не суд гар бир уйни тузмиш Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмиш,
Ўқуғон эл анинг шеърини пайваст, Тилар бўлғай ҳамиша ошиқу маст.

Солиб ислому дин уйига ошуб, Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.

Тушуб бу нуктадин жисмим аро печ, Чу билдим, чин эмиш дам урмадим ҳеч.

Дедимким, айлайн бир нусха мастур Ки, бўлғай дину ислом уйи маъмур¹³.

Яъни Навоий айтадики, шоҳ мажлисларидан бирида бир нуктадон инсон Ҳусайн Бойқарога: “Навоий кўплаб бинолар, иншоотлар қурдириб хайрли ишлар қилади. Лекин халқни сармаст қиладиган фойдасиз шеърлар ёзиб, қилган ишларини ҳам барбод қилади, қилган яхши ишларининг фойдаси қаёққа кетади?” деган маънода фикр билдиради. Навоий ўзининг балоғатли шеърларининг мағзини чақа олмаган бу кишидан ранжимаган ҳолда камтарлик билан нуқтадон деб тилган олади.

“Эшиттим базмининг бир нуктадони, Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни”¹⁴.

Сўнг шоир “Сирожул муслимин”ни ёзишдан мақсадини баён қилади:

Дедимким, айлайн бир нусха мастур Ки, бўлғай дину ислом уйи маъмур¹⁵.

¹³ Навоий Алишер. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.261-308.

¹⁴ Ўша манба.

¹⁵ Навоий Алишер. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.261-308.

Кўряпмизки, Навоий асарни ислом шариати илмларига ўз ҳиссасини қўшиш, буюк бобомизнинг ўз таъбири билан айтганда дини ислом уйи обод бўлиши учун таълиф қилганини айтади. Кейинги мисраларда эса ёзган асари таркибини бироз шарҳлаб ўтади.

Ҳам эткаймен бурун шарҳи ақойид, Ки, ислом аҳлига бергай фавойид.

Яна ҳам фарз, ҳам вожиб, суннан ҳам, Неким ориз бўлур яхши, ёмон ҳам.

Навоий шаръий аҳкомларни баён қилишга киришишдан аввал ақидага тегишли маълумотларни келтиришини хабар бермоқда. Ундан сўнг эса фикҳга оид бўлган фарз, вожиб, суннат каби ҳукмларни келтиришини айтади.

Аслини олганда Навоий кўпдан буён фикҳ ва ақидага доир асар ёзишни ният қилиб юрардию, азбаройи юмуш кўплигидан бунга фурсат тополмаётган эди. Самарқанддан бир улуғ инсоннинг Ҳиротга ташриф буюриб, пири муршид Хожа Аҳрор Валийнинг шоирдан диний масалалар шарҳини ёритувчи китоб ёзишни сўраганини айтганидан сўнг Алишер Навоий катта иштиёқ билан ишга киришади. Бу ҳақда:

“...Чу сўрди Исо анфоси бу дами, Ҳам ул дам азмига йўндум қаламни” дейди Навоий.

Алишер Навоий ўзи айтганидек, даставвал ақоид ҳамда шариат ҳукмлари шарҳига тўхталади. Бунда шоир ислом аҳкоми икки қисм: ақида ва амал (шариат)дан иборат деб ёзар экан, ақида пок бўлмаса, амалнинг аҳамияти юқори бўлмаслигини таъкидлайди.

Навоий иймон шартлари сифатида Аллоҳнинг биру борлигига, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, қадар – тақдирга ишониш кабиларни санаб ўтади.

Кейин шоир Аллоҳнинг сифатларини баён этади. Унга кўра, мўмин инсон Аллоҳнинг замон ва макондан муназзаҳ – холи эканига, шериги йўқлигига, унинг безавол илмига, эшитиш ва кўришига, каломига, тақдир эгаси эканига ишониши шарт. Ҳазрат Навоий, шунингдек, Аллоҳнинг ўхшаши йўқ, унинг қудрати ҳар қандай жисмдан холи бўлиб, бандалар каби эҳтиёжманд эмасдур деган ислом ақидасидаги фикрни уқтирар экан, бунга исбот тариқасида “Шўро” сурасидаги 11-оятни келтиради.

Эрур ҳаййю алиму яна қодир, Муриду ҳам самийъ ўлдиву нозир.

Такаллум васфиға дағи мувофиқ, Яна ибод афъолиға Холиқ.

Не бор анинг шарики, не вазири, Не бор анинг саҳими, не назири.

Не жавҳар, не араздур, не маконда, Не воқеъдур жиҳатда, не замонда.

Чу эрмас анга ҳеч ашё мушобиҳ, Анинг шаъниндадур: «Лайса камислиҳ»¹⁶.

Охирги мисрада Навоий Шўро сураси 11-оятига ишора қилади. Оятнинг тўлиқ матни ва таржимаси қуйидагича:

“فَاطِرُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ جَعَلَ لَكُمْ مِّنْ اَنْفُسِكُمْ اَزْوَاجًا وَمِنَ الْاَنْعَامِ اَزْوَاجًا يَذْرَؤُكُمْ فِيْهَا

¹⁶ Шўро сураси, 11-оят.

(Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг илк яратгувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлган жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўша (жуфтлик воситасида) кўпайтирур. Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир. У эшитгувчи ва кўриб тургувчидир”¹⁷.

Кейин эса Навоий ислом ақидасидаги – қабр азоби, қабрдаги савол-жавоб, сирот кўприги, тарози, дўзах, жаннат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шафоати, набийлар мўжизалари, авлиёлар каромати ҳақ эканини таъкидлайди ҳамда фолбинни тасдиқ этиш куфр эканини ҳам айтиб ўтади.

Ақида шартлари баёнидан сўнг Алишер Навоий ислом аҳкомларини ёритади. Бунда шоир ислом диннинг устуни бўлган ибодатлар – таҳорат, ғусл, намоз, закот, рамазон рўзаси, ҳаж билан боғлиқ шариат ҳукмларини батафсил баён этади.

Асарнинг хотима қисмида шоир ўз манзумаси инсонлар учун фойдали бўлишидан умид қилиб, мусулмонлар дилини равшан этсин, дея бу китобга “Сирожул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) деб ном қўйганлигини айтади:

Манга бу нукталарким, бўлди таҳрир, Қилай итмоми тақрибини тақрир.

Агарчи хутбаву фиҳрастида бор, Вале ул аҳддин гардуни даввор.

Басе ошуфталиғлар қилди ҳодис, Ки, итмомига маълум ўлди боис.

Тўқиз юз бешда²⁰ бир фархунда фарзанд, Адаб бирла тавозуъдин баруманд,

Ки, мажлис ичра ҳозир эрди бир кун, Масойил баҳси эрди тилга мақрун.

Чу анда қобилият зоҳир эрди, Кўнгул бу назмга тартиб берди,

Ки шояд анга нафъи ҳосил ўлғай, Кўп элга ҳам бу маъни восил ўлғай.

Сабаб бу ишни қилди даври айём, Топорға бу китоб оғози анжом.

Чу равшан айлар ислом аҳли зотин: “Сирож ул-муслимин” қўймишмен отин.

Умидим улки, ҳарким ўқуғай, Мунунг нури била кўнгли ёруғай.

Дуо бирла мени ҳам айлагай ёд, Равоним ул дуодин айлагай шод¹⁸.

Энди “Назми ақоид” асарининг таркибий тузилишини кўриб чиқсак. Асар басмала билан бошланади. Алоҳида басмаладан ташқари асарнинг биринчи мисраси ҳам басмаладир.

“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм,

Фотиҳаға кокили анбар шамим.

Ҳамд ангаким зоти жалоли била,

Ким, ҳама авсофи камоли била”¹⁹.

¹⁷ Қуръони азим мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур.

¹⁸ Навоий Алишер. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.261-308.

¹⁹ ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 11946 ашё рақамли қўлёзма.

Кириш қисмида Аллоҳга ҳамда сано айтиш ва унинг сифатларини ниҳоятда содда ва пухта ўхшатишлар келтириш билан бошлаган. Банда доимо ибодат қилиши лозимлиги, Аллоҳ инсон ва жинларни яратишдан мақсади ибодат эканлигини баён қилинган қисмлар келтирилади. Ортидан Пайғамбаримиз алайҳиссаломга наът келтирилади.

Ул азамат васфидаким покдур,
Шоиба нақсдин²⁰ айлар нуфур.
Чунки эмас олам имконидин ул,
Ор этар олойиш²¹ нуқсонидин ул.
Ўзи ягона ва сифоти фузун²²,
Кун бир эрур зарраси мингдин фузун.
Жавҳар эмас, жисм эмас, жон эмас,
Зулмат эмас, нур эмас, аъён эмас²³.

Шундан кейин “Назми ақоид” асарининг ёзилиш сабаби баён қилинади. Асар муаллифи ўз яқинларидан ақида илми борасида бир китоб ёзиш илтимоси тушганини, олий савияли зиёлилар ҳам, оддий халқ ҳам фойда оладиган туркий назм ёзиши кераклигини, лекин ўзини бундай юксак иш учун арзимас деб билишини айтиб камтарлик қилади.

Бир куни келтурди манга илтижо,
Назми ақойидға неча ошно.
Турки иборат била тобсун баён,
Маънилари барчаға бўлсун аён.
Турки кишилар ҳам ани англасун,
Англамайин ҳеч киши қолмасун.
Фоида бўлсун халойиқға том,
Баҳравар ўлсин ҳама хосу ом.
Тушди ўшал дам манга ночорлиқ,
Назми қилурға баса душворлиқ.
Назми ақоид киму мен кимдуман,
Шерға бўлғойму бориб панжа зан.

Шундан кейин Пайғамбар алайҳиссаломнинг “Умматим етмиш уч фирқага бўлиниб кетади, биттасидан ташқари ҳаммаси дўзахдадир, улар аҳли суннат вал жамоатдир”, деган ҳадисларини келтириб, унга назмий шарҳ келтирилади.

Ушбу муқаддималардан сўнг муаллиф бевосита “Ақоидун насафийя”ни шарҳлашга киришади.

قَالَ أَهْلُ الْحَقِّ:
حَقَّانِ الْأَشْيَاءُ ثَابِتَةٌ، وَالْعِلْمُ بِهَا مُتَحَقِّقٌ خِلَافًا لِلْإِسْوَطَانِيَّةِ

²⁰ Нуқсон аралашишидан

²¹ Кирик, ифлослик

²² Зиёда, кўп, ортик.

²³ ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 12344 ашё рақамли қўлёзма.

“Аҳли ҳақ” деб аталувчи аҳли сунна вал жамоа уламолари шундай дейдилар: “Барча мавжуд нарсаларнинг ҳақиқатлари собитдир ва уларни билиб олиш ва идрок этиш мумкин, Суфастойлар фирқасига хилофан.

Деди бу ранг чин дегувчи аҳли ҳақ
Берди ҳидоят учун элга сабақ
Собит эрур борча ҳақиқатлари
Ким ул ила жилва қилур ҳар бири
Бўлмайин ул жилва қачон қилғувси
Борлик асосида нечук бўлғувси
Ҳеч ҳақиқатсиз эмас ҳеч нима
Анинг илак бир нимадур бир нима
Нутқ ҳаёт ила башардур башар
Хандаву хат башар эрмиш улар
Эрмас уларға бу икки моҳият
Билким эрур оризу орият²⁴.

Шундай сўнг ақида боблари бирин кетин матн асосида шарҳланади. Худони, борлиқни нотўғри талқин қилувчи, инкор қилувчи файласуфларга, Қуръони каримни махлуқ дегувчи мўътазилаларга ва бошқа қатор фирқаларга матнга мос раддия бериб борилган. Қадимги ва ҳозирги замонавий адашган тоифаларга ақлий ва нақлий далиллар ўз ўрнида инкор қила олмайдиган даражада келтирилган.

Асарда илоҳиёт, нубувват, мўъжиза, оламнинг йўқдан бор бўлгани, қабр азоби, Қуръон Аллоҳнинг каломи экани, ризқ масаласи, фаришталар, баъзи адашган фирқаларга раддиялар, ўлгандан кейин қайта тирилиш, тарозу, қиёматдаги савол-жавоб, ҳавзи кавсар, пулсирот, жаннат ва дўзах баёни, гуноҳи кабиралар, иймон, пайғамбарлар, авлиёлар, саҳобалар, халифалик, жаннат башорати берилган ўн саҳоба, маҳсига масҳ торти каби масалалар юзасидан баҳс қилинади. Албатта бунда назмнинг шарҳ объекти бўлган “Ақоидун насафийя мавзуларига ва тартибига риоя қилинади.

Шундай кейин хотима қисми бошланади. Хотимада муаллиф бу китобни ким ўқиса, уйига барака кириши, тўғри йўлни топишини айтади. Яна бу китобни ёзганидан ўзи фахрланишини, бу китобда Аллоҳнинг сўзларидан бошқа сўз йўқлигини, бу китоб орқали муаллиф адашган фирқаларга қарши курашганлигини, китоб уларнинг ислом ақидасига зид бўлган қарашларига етарли раддия вазифасини бажара олишини, муаллифнинг ўз таъбири билан атиганда асар уларнинг кўзларига қадалган гулмихлар бўлишини изҳор этади:

Шукр бу мактуб ақоид низом,
Бўлди худо фазли била тамом
Ҳар ким ўқуса анга раҳмат ёғар
Ўзига ву уйига давлат ёғар

²⁴ ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 11946 ашё рақамли қўлёзма.

Гул киби ҳусн, ой киби рахшонжамол
Дини иймони бўлуб баркамол
Элга Худони танитур бу китоб
Кўнглини гулдек ёритур бу китоб
Йўқту Худо сўзларидин ўзга сўз
Андин очилғувчи кўнгил бирла кўз
Барча далоиллари Қуръон эрур
Фаҳм қилурга кимки суҳандон эрур
Мендуман дин ҳасмига шамширзан
Келди жаҳон ичра ду бора Ҳасан
Хайли хаворижга ғазот айладим
Хуни равофизни Фурот айладим
Бўлди нақунсор бу аъдои дин
Сури Сарофилда кўтаргой бошин
Фаҳр этарман бу китобим учун
Бўлди улус зумрасиға раҳнамун
Сўзлари бад мазҳаб учун шихлар
Кўзларига ўйғали гулмихлар
Маҳзанул Асрор деди Ганжавий
Матлаъил Анвор деди Деҳлавий
Тухфатул Аҳрор деди қутб Жом
Ҳайратул Аброр амири киром
Назми ақоид деди машҳур маст
Ким анга тақдир эди рўзи аласт²⁵.

Хулоса қиладиган бўлсак, Олимлар “Назми ақоид” бўйича яқин ўтимишимизда салмоқли ишлар амалга оширишган. Аммо Асар ҳали ҳамон катта тадқиқот ишлари олиб боришга муҳтож бўлиб қолмоқда. Агар асар ҳақиқатда Навоийга тегишли бўлса, унинг фикрда ёзган “Сирожул муслимин”и олдиға жуда ажойиб шерик бўлган бўларди. Сабаби ислом илмларидан маълумки, ақида ва фикр илмлари доимо ёнма-ён қўйилади. Туркий “Назми ақоид” асари назм сабаби келтирилиши жиҳатидан “Сирожул муслимин” асарига ўхшайди. Икковидаги муаллифнинг ўз асари билан камтарлик қилиши Навоий характериға хосдир. “Сирожул муслимин” асари исломий илмлар ичида фикр фаниға аталган бўлса, “Назми ақоид” асари машҳур ақидавий матн бўлмиш “Ақоидун насафийя”нинг шарҳи бўлгани учун тўлиқ ақида масалалари бўйича баҳс юритилади. Бу жиҳатни аввал таъкидлаб ўтганимиздек, Навоий даставвал фикр ҳақида бир асар ёзган бўлиши, унда ақида масалалиға мухтасар ҳолда тўхталиб, кейин ақида масалалари учун алоҳида хос бир асар ёзган бўлиши мумкинлиги билан изоҳлаймиз. Аслида “Назми ақоид” асарини Навоийнинг “Сирожул муслимин”дан бошқа диний асарлари билан қиёслаш ҳам мумкин

²⁵ ЎзР ФА ШИ, асосий фонд. 11946 ашё рақамли қўлёзма.

эди. Лекин баъзи олимлар тарафидан “Назми ақоид” Навоийга тегишли эмаслиги борасида унинг “Сиродул муслимин”ни ёзгани далил қилиб келтирилгани учун қиёслаш объекти сифатида шу асар танланди. Фикримизча, бу икки асар бир муаллифга тегишли бўлишини ман қиладиган далиллар топилмади. Шу жиҳатдан асар катта эҳтимол билан Навоийга тегишли деб айтишимиз мумкин. Бу масалани кейинги изланишлар янада ойдинлаштиради деган умиддамиз.